
Автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда
Бағдод туманидаги 4к-870а автомобиль йўлида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳақда туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари Умиджон Йигиталиев маълум қилди.

- Ободонлаштириш ойлиги доирасидаги бу ишлар тасарруфимиздаги бошқа автомобиль йўлларида ҳам босқичма-босқич амалга оширилади. Таъмирлаш ишлари олиб борилаётган йўл қисмларида ҳайдовчиларимиз янада ҳушёр ҳаракатланиб, йўлсозларимиз кўрсатмаларига амал қилишса, мақсадга мувофиқ бўларди, - деди У.Йигиталиев.

Мазкур автомобиль қатнов йўлида ҳосил бўлган чуқур-чаноқлар кўп сонли ҳайдовчилар эътирозига сабаб бўлаётган эди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-08-04 17:24:47